

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

СОБИРОВА ЛАЙЛО БАХРАМОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАДДИ-ҚОМАТ
БУЗИЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАХСУС ЖИСМОНИЙ
МАШҚЛАР МАЖМУИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати**

Чирчик-2020

УДК:796.338.28:078:615.825

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Собирова Лайло Бахрамовна

Бошланғич синф ўқувчиларининг қадди-қомат бузилишини олдини олишда
махсус жисмоний машқлар мажмуидан фойдаланиш
самарадорлиги.....3

Собирова Лайло Бахрамовна

Эффективность использования специализированного комплекса физических
упражнений в профилактике физических нарушений у учащихся начальных
классов.....23

Sobirova laylo Bahramovna

Effectiveness of the use of a specialized set of physical exercises in the prevention
of physical disorders in primary school
students.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

СОБИРОВА ЛАЙЛО БАХРАМОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАДДИ-ҚОМАТ
БУЗИЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАХСУС ЖИСМОНИЙ
МАШҚЛАР МАЖМУИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати**

Чирчик-2020

Фалсафа доктори (ГПД) диссертацияси тавзули Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped463 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рахматова Дилноза Нигбосвна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
табiiёт фанлари доктори, доцент

Рахимов Владимир Шавкатович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «16» июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри. Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (210 922 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2020 йил «7-июль» кuni тарқатилган.
(2020 йил «7» июль даги 8 рақамли реестр баённомаси)



М.Р. Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси и.ф.д., профессор

М.А. Миржамоллов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий кенгаши и.ф.б.ф.д. (PhD)

Б.Б. Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Барча мамлакатларнинг келажаги пойдевори бўлган бугунги давр ёшларининг ҳар томонлама навқирон авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Сихат-саломатлик ҳар бир инсон учун бахт-саодат, унинг меҳнат самарадорлиги, мамлакатнинг иқтисодий қудрати, халқ фаровонлиги, тараққиётнинг зарур шартидир. Албатта, келажагимиз пойдевори бўлган бугунги давр ёшларининг ҳар томонлама жисмонан соғлом, баркамол бўлишида барча соҳалар қаторида жисмоний тарбия ва спорт ўзига хос аҳамият касб этади. Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соғлом авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари изчил ҳамда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида” ги Фармон фикримизнинг ёрқин далилидир.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қадди-қоматида бузилишини олдини олиш юзасидан кенг қўламли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Қадди-қомат бузилиши нафақат инсоннинг ташқи кўринишига таъсир қилади, балки ички органларнинг жойлашуви билан боғлиқ танадаги салбий ўзгаришларни ҳам келтириб чиқармоқда. Қадди-қоматида ўзгариши бор ўқувчилар умуртқа эгриликларини жаррохлик йўл орқали олдини олиш юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ таъкидлаш жоизки, қадди-қоматида нуқсон бор 7-10 ёш ўқувчиларнинг жисмоний машғулоти жараёнига айнан тўғри келадиган воситалари ва юкламалари бўйича илмий асосланган тавсиялар деярли йўқ. Аждодларимиз фикрига кўра ҳар қандай касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш маъқулдир. Шундай экан бошланғич синф ўқувчиларининг умуртқа поғонаси эгриликларини айнан жисмоний тарбия воситалари орқали олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Республикада охириги йилларда «Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш»¹ борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ёш авлодни соғлом қилиб вояга етказишда, қадди-қоматни тўғри ривожлантиришда машғулоти воситалари ва юкламалари оптимал нисбатларини тадқиқ қилиш ҳамда машғулоти жараёнини илмий асосда ташкил этиш зарурати юзага чиқмоқда. Ўзбекистонда сколиозга ихтисослаштирилган мактаб интернатлари ташкил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924- сонли Фармон Lex.uz.

этилган, лекин жисмоний реабилитация бўйича илмий-амалий дастурлар манан эскирган. Бошланғич синф ўқувчилари учун даволовчи гимнастика мажмуаларни болалар ривожланишининг морфологик ва функционал ҳолатлари бўйича тўғридан-тўғри қўллаб бўлмади, айнан шу ҳолат мазкур тадқиқотларнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2010йил23 декабрдаги 307-сонли «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.Мавзуга оид илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида саломатлигида ўзгариши бўлган шахсларни ҳаёт фаолиятига ижтимоийлашувини тезлаштириш масалалари бўйича Республикада ногиронликни маълум турида спорт машғулотларига мослашиш назарияси бўйича М.В.Девятова, В.Б.Арипова, Р.С. Саломов, М.Х.Миржамолов, Н.К.Светличная, Э.А.Ўринбоевлар ва бошқа мутахассислар томонидан концептуал соҳага оид турли изланишлар олиб борилган.²

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида чет эл олимлари томонидан таянч-ҳаракат аппарати шикастланишларининг жуда кўп турларини табақалаш бўйича А.Аbele, Н.Аrends, томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган.³ Бошланғич синф ўқувчиларида сколиоз касаллигини олдини олиш ва даволаш бўйича Е.К.Аганянц, Н.В.Вагонов, С.Р.Тиллаев, А.Ф.Краснов, Г.П.Котельников, К.А.Ивонова, В.В.Аршин, Н.В.Сушина, Г.А.Бауманова, С.В.Краснова, В.Г.Абушкіна, В.А.Неизвестных, В.Ю.Крохалев, В.И.Крохалев, А.Ж.Дарожина, Г.В.Мухнин, Т.И.Мартыненко,

² Девятова М.В. «Умуртка погонасининг бел остеохондрозда ДЖТ». Новосибирск, 1996 й.163-167 б.; Арипова В.Б., Адаптив жисмоний тарбиянинг концептуал соҳасининг илмий методик йўналишлари. Магистирлик диссертация Тошкент 2012 йил. 56-57б.;SalomovR.S., MirjamolovM.X. Jismoniyimkoniyatcheklangano'quvchilarningsportmashg'ulotlarigamoslashishi ўқув қўлланма Тошкент: 2014.50 б. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. –Т.: Иқтисодиёт, 2014. – 84 с.

³ Abele, A., 'Physical Education and Education through Sport in Latvia', in: G. Klein & K. Hardman, Physical Education and Sport Education in the European Union, Paris, Editions Revue EP. S. (in press)2004. rr.86-91;Arends, H., Sport Service Punt, unpublished Paper, November 2006.pp.5459;.

А.В.Овечкина, В.В.Колесов, В.Д.Шатохин, А.Д.Губа, О.Э.Аксеновалар томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган.⁴

Болаларда қадди-қомат бузилишини жисмоний тарбия ва спорт воситалари орқали олдини олиш ҳамда реабилитация қилиш бўйича А.Ф.Коптелин, И.П.Лебедева, О.В.Козырева, В.Е.Валовик, Е.А.Ветошкина, Л.Б.Варонцова, И.В.Миллюкова, Т.А.Евдокимова ва бошқалар томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.⁵ Умуртқасида нуқсон бор болалар ва уларнинг клиник ахамияти тўғрисида П.П.Гатиатулин, В.Н.Шубкин, В.М.Қозоқов, В.Т.Мончук Е.А.Абальмасова ва бошқалар томонидан изланишлар олиб борилган.⁶

Тахлилларга кўра, умуртқа поғонасида қийшайиши бўлган ўқувчиларнинг ўқув-машғулотлари бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, умуртқа поғонаси шикастланган умумтаълим мактаб бошланғич синф ўқувчилари учун маълум бир дастур асосида машқларни умуртқа поғонаси қийшайиш даражасига кўра танлаш ва амалда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича ўрганилмаган. Умуртқа поғонасида шикастланиши бор ўқувчилар учун жисмоний тарбия дастурини тахлил қилиб ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики, умуртқа поғонаси қийшайиш даражалари бўйича махсус жисмоний ривожлантирувчи машқлар ва аниқ меъёрлар ишлаб чиқилмаган, умуртқа поғонаси қийшайиш хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Эътироф этиш жоизки, қадди-қоматида ўзгариши бор 7-10 ёшли ўқувчилар умуртқа эгриликларини олдини олиш юзасидан илмий тадқиқот ишлари кўп бўлишига қарамай, ҳозирги кунга қадар бошланғич синф ўқувчиларидаги қадди-қоматининг бузилиш даражаларини бартараф этишга юқори самарада таъсир кўрсатувчи воситалар бўйича илмий асосланган тавсиялар тўлиқ ёритиб берилмаган. Мазкур ҳолат диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

⁴ Аганинц Е.К. Ваганов Н.В. и др. Тактика лечебной физкультуры при сколиозах I-II степени у детей и подростков 8-15 лет: Методические рекомендации / Сост.: Краснодар, 1995. 31 с.; Тиллаев С.Р. Электромиографическая оценка мышц спины в норме и при сколиотической болезни // Проблемы биологии и медицины.-1997. № 2.39-42 с. Краснов А.Ф., Котельников Г.П., Иванова К.А. Сколиоз // Ортопедия М., 1998.201-214 с.; Аршин В.В., Сушина Н.В., Бауманова Г.А., Краснова С.В. Новое в лечении сколиоза у детей // Анналы травматологии и ортопедии.2001.- № 1.34-36с.;Абушкина В.Г., Неизвестных В.А., Крохалев В.Ю., Крохалев И.В. Эффективность применения ортопедических корсетов в лечении сколиотической болезни у детей // Актуальные вопросы детской травматологии и ортопедии.- СПб., 2002.126-127 с.; Дрожжина А.Ж, Мухнин Г.В., Мартыненко Т.И., Овечкина А.В. Типовой урок физкультуры для детей со сколиозом // Актуальные вопросы детской травматологии и ортопедии, - СПб., 2002. 123-124с.; Колесов В.В., Шатохин В.Д., Губа А.Д. Раннее консервативное лечение сколиотической болезни у детей // Тезисы докладов ВИИ Съезда травматологов-ортопедов России.- Новосибирск, 2002.- Т. 1.- С. 142-143 с.; Аксенова, О.Э. Технологии физкультурно-спортивной деятельности в адаптивной физической культуре : учебное пособие / О.Э. Аксенова, С.П. Евсеев; под ред. С.П. Евсеева. – Москва : Советский спорт, 2004. – 296 с.

⁵ Каптелин А.Ф., Лебедева И.П. Лечебная физкультура в системе медицинской реабилитации.-М., 1995. 48-102с.;Козырева О.В. Комплексная физическая реабилитация дошкольников с нарушениями осанки // школьное воспитание.1998. № 12. 49-56с.;Валовик В.Е., Ветошкина Е.А., Воронцова Л.Б. Лечебная физкультура при нарушениях осанки и сколиозах: Учебно-методическое пособие. Комсомольск на Амуре, 2000.- 24 с. Миллюкова И.В., Евдокимова Т.А. Лечебная физкультура. Новейший справочник /Под общей ред. проф. Т.А. Евдокимовой. – СПб.: Сова; М.: Изд-во Эксмо, 2003. – 862 с.

⁶ Гатиатуллин П.П., Шубкин В.Н., Казаков В.М., Манчук В.Т. Особенности кровотока в легких у больных сколиозом // Проблемы хирургии позвоночника и спинного мозга. Новосибирск, 1996.-60-62с.; Абальмасова Е.А. Особенности детского позвоночника и их клиническое значение // Руководство для врачей в 3 томах под ред. Ю.Г.Шапошкова,- М., 1997.- Т. 3 ортопедия.. 131-135 с.

Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган ишлари концепцияси ва истиқбол режасидаги “Республика имконияти чекланган ўқувчиларнинг махсус жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг инновацион восита ва методларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг қадди-қомат бузилишини олдини олишда махсус жисмоний машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш механизмини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларида қадди-қомат бузилишидаги умуртқа поғонаси қийшиқлик (I-II-фронтал ва сагиттал) даражалари бўйича анатомик ва физиологик ҳолатини аниқлаш ва табақалаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида қадди-қоматини бузилишини олдини олишга қаратилган жисмоний тарбия дарсларида қўлланиладиган юқори самарада таъсир кўрсатувчи воситаларни саралаш асосида махсус жисмоний машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уларнинг юклама меъёрларини оптималлаштириш асосида такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида қадди-қомат бузилишини олдини олишга қаратилган махсус жисмоний машқлар мажмуаси ва уни меъёрларини қўллаш механизмини такомиллаштириш асосида машғулот дастурини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларининг қадди-қомат бузилишини олдини олишда махсус жисмоний машқлар мажмасидан фойдаланиш самарадорлиги тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактабларидаги ўқувчи ёшлар билан олиб бориладиган машғулотлар жараёни.

Тадқиқотнинг предмети умуртқа поғонасида нуқсон бор ўқувчи ёшлар билан олиб бориладиган жисмоний тарбия машғулотларида махсус машқлар мажмуаси ва уни қўллаш услублари.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, антропометрия, машғулот жараёнининг таҳлили, педагогик тажриба, математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умуртқа поғонаси фронтал ва сагиттал қийшайиши мавжуд 7-8 ёшдаги болалар учун буюмлар ва буюмларсиз бажариладиган махсус машқлар мажмуаси (умуртқа эгриликларини бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатувчи махсус жисмоний машқлар) ва унинг оптимал меъёрларини табақалаштириш асосида такомиллаштирилган;

умуртқа поғонаси фронтал ва сагиттал қийшайиши мавжуд 9-10 ёшдаги болалар учун буюмлар ва буюмларсиз яққалиқда ҳамда жуфтликда бажариладиган махсус машқлар мажмуаси ташкил этиш ва амалга ошириш (ташкилий методик)меъзонлари бўйича такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини қадди-қомат бузилиш даражалари бўйича ёш даражасига табақалаш асосида буюмлар ва буюмларсиз яккаликда, жуфтликда, мутахассис ёрдамида бажариладиган махсус машқлар мажмуасидан фойдаланишни қиёслаш асосида индивидуал механизми такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини қадди-қомати бузилиш даражалари келиб чиқиш сабаблари илмий асосланди ҳамда умуртқа поғонасини қийшайишини олидини олиш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умуртқа поғонаси шикастланган ўқувчиларнинг функционал жисмоний тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятлари асосида машғулотларни ташкил этишнинг махсус машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

мактаб дарсларида махсус тиббий гуруҳда ихтисослашган машқлар орқали ўқувчиларни саломатлигини яхшилаш ва уларни жисмоний ривожлантиришга йўналтирилган махсус машқлар дастурини қўллаш орқали болаларнинг жисмоний ривожланиш даражасини юқори сифатга кўтаришга қаратилган.

хар хил тоифали қадди-қоматни бузилиши ва сколиоз касалликларини олдини олишга мўлжалланган машқларнинг 7-10 ёшдаги болалар организми учун таъсирини аниқланиб уларни организмга фойдаси ўрганилиб амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган ёндашув, адаптив жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги чет эл ҳамда республикаимиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, таҳлил ҳамда тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба синов ишларининг репрезентивлиги, ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида қўлга киритилган маълумотлар умуртқа эгриликлари бор ўқувчиларнинг ўқув машғулоти жараёнларини ташкил қилиш ва ўтказиш, ҳаракат фаоллигини ошириш муаммоларига таалуқли адаптив жисмоний тарбия назарияси ва амалиёти фани мазмунини бойитади ҳамда кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умуртқа поғонасида қийшайиши бор ўқувчилар билан олиб бориладиган машғулотларни такомиллаштиришда, синфдан ташқари жисмоний тарбия машғулотларида шуғулланишини ташкил қилишда, ўқув қўлланмалар ишлаб чиқишда ва жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз касбий компетентлигини ривожлантириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган махсус жисмоний машқлар мажмуи ва унда қўлланилган восита ва усуллар бўйича олинган натижалар асосида:

бошланғич синф ўқувчиларини қадди-қомат бузилиш даражалари бўйича ёш даражасига табақалаш асосида буюмлар ва буюмларсиз яккаликда, жуфтликда, мутахассис ёрдамида бажариладиган махсус машқлар мажмуасини фойдаланиш бўйича таклифлар «Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сонли буйруғига асосан 892-006 рақамли гувоҳнома). Натижада умуртқа поғонасидаги қийшайиш сабаблари бўйича махсус машқлар мажмуаси орқали саломатлик даражаси самарадорлиги 16-18 % га яхшилانган;

умуртқа поғонаси фронтал ва сагиттал қийшайиши мавжуд 7-8 ёшдаги болалар учун буюмлар ва буюмларсиз мутахассис билан бажариладиган махсус машқлар мажмуаси (умуртқа эгриликларини бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатувчи махсус жисмоний машқлар) ва оптимал меъёрлари (сони, вақти, ҳажми) асосида «Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сонли буйруғига асосан 892-006 рақамли гувоҳнома). Натижада 7 ёшда буюмлар ва буюмларсиз мутахассис ёрдамида бажариладиган махсус машқлардан фойдаланиш орқали фронтал бузилиши бор ўқувчилардан 4 нафари, сагиттал бузилиш бор ўқувчилардан эса 2 нафари соғлом гуруҳга ўтказилди, умумий ҳисобда 50%га яхшиланишига эришилди;

умуртқа поғонаси фронтал ва сагиттал қийшайиши мавжуд 9-10 ёшдаги болалар учун буюмлар ва буюмларсиз яккаликда ҳамда жуфтликда бажариладиган махсус машқлар мажмуаси (умуртқа эгриликларини бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатувчи махсус жисмоний машқлар) ва унинг оптимал меъёрлари (сони, вақти, ҳажми) 163-умумтаълим мактаб бошланғич синф ўқувчилари машғулот жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 02-07-08-5415 сон маълумотномаси). Натижада 9 ёшли ўқувчилар махсус машқлардан фойдаланиш орқали 6 нафар ўқувчи соғлом гуруҳга ўтказилган бўлиб, 42,8% ни, 10 ёшли ўқувчилар махсус машқлардан фойдаланиш орқали II-даражали асорати бор 2 нафар ўқувчи I-даражали асорати бор гуруҳга, I-гуруҳ асорти бор гуруҳдан 4 нафар ўқувчи эса соғлом гуруҳга ўтказилди, умумий ҳисобда 40% га яхшиланишига эришилди;

бошланғич синф ўқувчиларини қадди-қомат бузилиш даражалари келиб чиқиш сабаблари ҳамда умуртқа поғонасини қийшайишини олидини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар Тошкент шаҳар 4-сонли сколиозга ихтисослаштирилган мактаб интернатининг ўқув машғулотлари жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт

вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 02-07-08-5415-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчилари махсус машқлардан фойдаланиш орқали 24 нафар ўқувчи соғлом гуруҳга ўтказилган бўлиб, бошланғич синф ўқувчилар қадди-қомат ўзгариши умумий ҳисобда 44,4% га яхшиланишига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий услубий иш, шу жумладан, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 та республикада ва 1 та хорижий журналларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 123 саҳифа матндан иборат бўлиб, кириш қисми, 4 та боб, 8 та расм, 17 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурати, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Замонавий адабиётларда қадди-қомат бузилишини олдини олишдаги муоммоларнинг ўрганилганлик ҳолати ва унинг методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида қадди-қоматида бузилиши бор ўқувчилар машғулот жараёни хусусияти ва йўналиши бўйича ҳар хил восита ва усуллардан фойдаланиш воситаларини таснифлаш, тизимлаштириш ва ўқув-машғулотлар жараёнида аниқ атамаларни қўллаш, қадди-қоматида ўзгариши бор ўқувчиларга симметрик ва ассиметрик машқларни қўллаш, умуртқа эгриликларига қараб жисмоний машқларни қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритилган.

Қадди-қоматида бузилиши бор болаларнинг таянч ҳаракат аппаратининг функционал ҳолати бўйича бир қанча тушунчалар, ўқувчиларнинг нафас олиш, юрак қисқариш сони, қон босимидаги ўзгаришлар ўрганилиб, махсус мактаб интернатлари умуртқа поғонаси қийшайиши бор ўқувчиларни

жаррохлик орқали даволаш воситаларини ишлаб чиққан (С.Р.Тиллаев,1999; Ф.Р.Умурходжаев, 1996;).

Умуртқа поғонасида қийшайиши бор ўқувчиларни тиббий усуллар: карсет ёрдамида, жаррохлик усуллари, (Л.П.Кандакова, В.П.Ворломова 2012; Л.Ф.Асачаев, О.В.Горбунов 2012;) умуртқа поғонаси қийшайишини бартараф этиш учун реабилитация қилиб саломатлик даражаларини кўтаришга имкон яратиши очиб берилган.

Мавжуд адабиётлардаги манбаларда қайд этилган илмий-услубий маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш, бошланғич синф ўқувчиларининг умуртқа поғонаси қийшайиши (фронтал ва сагиттал текисликдаги бузилишлар)жисмоний тарбия воситалари орқали олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги ва тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги очиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот услублари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета-сўров, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, пульсометрия, инструментал усул, тадқиқотни амалга ошириш бўйича педагогик тажрибалар, тадқиқотни ташкил қилиниши,олинган материалларни қайта ишлаш бўйича математик статистика усулларида фойдаланилганлиги ҳамда махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.Тадқиқот ишлари 2017-2019 йиллар давомида уч босқичда ўтказилди.


Биринчи, босқичида (2017-йил) махсус илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш асосида бошланғич синф ўқувчиларида умуртқа поғонаси қийшайиш (фронтал, сагиттал бузилишлар)ни олдини олишнинг назарий ва амалий хусусиятлари ўрганилди,тадқиқотнинг йўналиши белгиланди. Тадқиқотнинг мавзуси шакллантирилди. Амалга ошириладиган тажрибаларга мувофиқ усуллар танланди, ишчи фараз шакллантирилди. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди, дастлабки материаллар тўпланди. Бошланғич синф ўқувчиларини умуртқа поғонаси қийшайишини олдини олиш учун махсус машқлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Иккинчи, босқичида (2018 йил) тадқиқот усуллари ўзлаштирилди, бошланғич синф ўқувчиларида учрайдиган сколиоз касаллигини олдини олишда махсус машқлар таъсири, ёши ва индивидуал хусусиятлари ўрганилди, бошланғич синф ўқувчилари қадди-комати тўғри ривожланишидаги мавжуд бўлган оғишлар аниқланди ва уларни йўқ қилишга қаратилган педагогик таъсир чоралари ишлаб чиқилди.

Учинчи босқичи(2018-2019 ўқув йили) тажриба ва назорат гуруҳларига 54 нафар I- ва II-даражали умуртқа поғонаси қийшайиши (фронтал, сагиттал бузилишлар) бўлган ўқувчилар жалб қилинди. Бошланғич синф ўқувчиларининг умуртқа поғонаси қийшайишини олдини олишда махсус жисмоний машқлар мажмуасининг таъсири педагогик тажрибаларда аниқланди. 7-8 ёш ўқувчилар умуртқа поғонаси қийшайишини олдини олиш учун мутахассис билан бажариладиган махсус машқлар, 9-10 ёш ўқувчилар учун эса яққалиқда, жуфтликда бажариладиган махсус машқлар жорий қилинди. Умуртқа поғонаси

қийшайиши мавжуд ўқувчилар синфдан ташқари жисмоний тарбия машғулотлари юкламалари оптималлаштирилди. Бу мақсадда ишлаб чиқилган махсус жисмоний машқлар мажмуаси самарадорлиги тажриба-синовларда ўз аксини топди.

Диссертациянинг «Қадди-қомат бузилиши олдини олиш ва даволашга қаратилган жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш услубияти» деб номланган учинчи бобида ўтказилган жорий тадқиқотлар натижаларининг қиёсий таҳлили бўйича маълумотлар баён қилинган. Қадди-қоматида ўзгариши бор ўқувчиларнинг машғулот жараёнида воситалар ва юкламаларни табақалаштириш, умуртқа эгриликларига эга бўлган ўқувчилар машғулотларида махсус машқлар мажмуаси ёритилган. Тадқиқотга жалб қилинган тажриба гуруҳи бошланғич синф ўқувчиларнинг тадқиқотдан олдинги қадди-қомат асоратлари сколиометр орқали аниқланди (1-расмга қаранг).



1-расм. Тадқиқотдан олдин тажриба гуруҳидаги 7-10 ёшдаги ўқувчилар фронтал ва сагиттал умуртқа поғонаси қийшайиш асорат ҳолати (n=54)

Тажриба 7- 10 ёшдаги ўқувчилар 54 нафарни ташкил қилди. 7 ёшдаги ўқувчилар жами 12 нафар, шундан фронтал текисликдаги бузилиши бор ўқувчилар сони 7 нафарни ташкил қилди. Улардан 4 нафар (33,3 %) ни I-даражали асорати бўлган ўқувчилар, 3 нафар (25,%) ни II-даражали асорати бўлган ўқувчилар эканлиги аниқланди. Сагиттал текисликда 3 нафар (25,%) I-даражали асорати бўлган ўқувчилар, 2 нафар (16,7%) ни II-даражали асорати бўлган ўқувчилар ташкил этди.

Қадди-қоматида асорати бор 8 ёшдаги ўқувчилар жами 13 нафарни ташкил қилган бўлса, улардан фронтал текисликда 5 нафар (38,4%) ни I-даражали асорати бўлган ўқувчилар, 2 нафар (15,3%) ни II-даражали асорати бор ўқувчилар эканлиги қайд қилинди. Сагиттал текисликда 4 нафар (31,%) ни I-даражали асорати бор ўқувчилар, 2 нафари (15,3%) ни II-даражали асорати бор ўқувчилар ташкил қилади.

Қадди-қоматида асорати бор 9 ёшдаги ўқувчилар жами 14 нафарни ташкил қилди. Фронтал текисликда 5 нафари (35,7%) ни I-даражали асорати бор ўқувчилар, 3 нафари (21,4%) ни II-даражали асорати бор ўқувчилар,

сагиттал текисликда 3 нафари (21,4%) ни I-даражали асорати бор ўқувчилар, 3 нафар (21,4%) ни II-даражали асорати бор ўқувчилар ташкил қилди.

Қадди-қоматида асорати бор 10 ёшдаги ўқувчилар жами 15 нафар. Фронтал текисликда 6 нафар (40,%) ни I-даражали асорати бор ўқувчилар, 2 нафар (13,3%) ни II-даражали асорати бор ўқувчилар ташкил қилди. Сагиттал текисликда 4 нафари (26,7%) ни I-даражали асорати бор ўқувчилар, 3 нафар (20,%) ни II-даражали асорати бор ўқувчилар ташкил қилди

Биз томонимиздан бошланғич синф ўқувчиларида қадди-қомат бузилишини олдини олиш учун қадди-қоматни бузилиш даражалари бўйича олти ойлик махсус машқлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Махсус жисмоний машқлар мажмуасида ёшга қараб юкламалар меъёри ишлаб чиқилди. 7-8 ёшдаги ўқувчиларга мутахассис ёрдамида буюмларсиз ва буюмлар билан бажариладиган восита ва юкламалар меъёрлари танланди. 9-10 ёшли ўқувчиларга эса яққаликда, буюмларсиз ва буюмлар билан бажариладиган юкламалар меъёрлари танланди (1- жадвалга қаранг).

1-жадвал

7-8 ёшли мактаб ўқувчиларида қадди-қомат бузилишини олдини олишда буюмлар билан бажариладиган махсус машқлар

т/р	Машғулот воситалари	Ойлар			Ҳажм
		1	2	3	
МУТАХАССИС ЁРДАМИДА БАЖАРИЛАДИГАН МАШҚЛАР					
1.	Тўп устида қорин билан ётган холда оёқларни кўтариб тушириш	$\frac{3/6 \times 4}{3}$	$\frac{3/6 \times 5}{4}$	$\frac{3/6 \times 6}{5}$	1080 Марта
2.	Ётган холда гантеллар қўлда қўлларни букиб ёзиш	$\frac{3/10 \times 4}{3}$	$\frac{3/10 \times 5}{4}$	$\frac{3/10 \times 6}{5}$	1800 марта
3.	Ерга таяниб қўлларни букиб ёзиш (оёқлар тўп устида)	$\frac{3/8 \times 2}{3}$	$\frac{3/8 \times 3}{4}$	$\frac{3/8 \times 4}{5}$	864 марта
4.	Қўллар бош орқасида тўпга бел билан ётган холда, гавдани олдинга кўтариш	$\frac{3/8 \times 2}{3}$	$\frac{3/8 \times 3}{4}$	$\frac{3/8 \times 4}{5}$	864 марта
5.	Тўпга курак билан ётган холда қўллар тепада куракни ўнгга чапга буриш	$\frac{3/12 \times 2}{4}$	$\frac{3/12 \times 3}{5}$	$\frac{3/12 \times 4}{6}$	1296 сония
6.	Қўллар тўпда тиззада ўтирган холда олдинга чўзилиш	$\frac{3/8 \times 4}{3}$	$\frac{3/8 \times 5}{4}$	$\frac{3/8 \times 6}{5}$	1404 сония
7.	Гимнастик ўриндиғида чўзилиш (гимнастик кўприк хосил қилиш)	$\frac{3/14 \times 2}{4}$	$\frac{3/14 \times 3}{5}$	$\frac{3/14 \times 4}{6}$	972сония

Тўп устида қорин билан ётган холда оёқларни кетма-кет кўтариб тушириш машқи, ҳар ойда 12 кун 6 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар ораллиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулот жараёнида 1080 марта оёқларни кўтариб тушириш амалга оширилди.

Ётган холда қўлларда гантеллар билан букиб ёзиш машқи, ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулот жараёнида 1800 марта қўлларни букиб ёзиш бажарилди.

Оёқлар тўп устида, ерга таяниб қўлларни букиб ёзиш машқи, ҳар ойда 12 кун 8 мартадан 2, 3, 4 такрорлашлар билан бажарилади. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулот жараёнида 864 марта қўлларни букиб ёзиш бажарилди.

Қўллар тепада тўпга курак билан ётган холда тосни кўтариш машқи, ҳар ойда 12 кун 12 сония 2, 3, 4 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 21 дақиқа 6 сония амалга оширилди.

Тўпга бел билан ётган холда қўллар бош орқасида гавдани олдинга кўтариш машқи, ҳар ойда 12 кун 8 мартадан 2, 3, 4 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 864 марта олдинга кўтарилиш амалга оширилди.

Қўллар тўпда, тиззада ўтирган холда олдинга чўзилиш машқи, ҳар ойда 12 кун 8 сониядан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 23 дақиқа 4 сония амалга оширилди.

Гимнастик ўриндик ёрдамида гимнастик кўприк ҳосил қилиш машқи, ҳар ойда 12 кун 14 сониядан 2, 3, 4 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 16 дақиқа 2 сония амалга оширилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

9-10 ёшли мактаб ўқувчиларида қадди-қомат бузилишини олдини олишда буюмларсиз бажариладиган махсус машқлар

т/р	Машғулот воситалари	Ойлар			Ҳажм
		1	2	3	
ЯККАЛИҚДА БАЖАРИЛАДИГАН МАШҚЛАР					
1.	Қўллар олдинда қоринда ётиб оёқ қўлларни барабар кўтариш	$\frac{3/8 \times 4}{3}$	$\frac{3/8 \times 5}{4}$	$\frac{3/8 \times 6}{5}$	1404 марта
2.	Гимнастик кўприк машқи	$\frac{3/14 \times 4}{4}$	$\frac{3/14 \times 5}{5}$	$\frac{3/14 \times 6}{6}$	2520 сония
3.	Қўлларга таяниб орқага эгилиш	$\frac{3/6 \times 4}{4}$	$\frac{3/6 \times 5}{5}$	$\frac{3/6 \times 6}{6}$	1080 марта
4.	Ўтирган холда ёнга бурилиш	$\frac{3/10 \times 4}{4}$	$\frac{3/10 \times 5}{5}$	$\frac{3/10 \times 6}{6}$	1800 марта
5.	Ўтирган холда қўллар бош орқасида занжир ҳолатда ёнга чўзилиш	$\frac{3/8 \times 4}{3}$	$\frac{3/8 \times 5}{4}$	$\frac{3/8 \times 6}{5}$	1404 марта
6.	Ўтирган холда қўлларни оёққа теккизиш	$\frac{3/6 \times 4}{3}$	$\frac{3/6 \times 5}{4}$	$\frac{3/6 \times 6}{5}$	1080 марта
7.	Ўнг қўл тирсақдан букилган орқада, чап қўл тирсақдан букиб қўлларни	$\frac{3/6 \times 2}{4}$	$\frac{3/6 \times 3}{5}$	$\frac{3/6 \times 4}{6}$	648 марта

	бирлаштириш, навбат билан қўлларни алмаштириб бажариш				
8.	Юқорида жуфтлашган қўллар билан ёнга эгилиш	$\frac{3/10 \times 4}{5}$	$\frac{3/10 \times 5}{6}$	$\frac{3/10 \times 6}{7}$	1800 марта
ЖУФТЛИКДА БАЖАРИЛАДИГАН МАШҚЛАР					
9.	Қўллар шерикни елкаларида, оёқ учида тавонда туриш	$\frac{3/12 \times 4}{4}$	$\frac{3/12 \times 5}{5}$	$\frac{3/12 \times 6}{6}$	2160 марта
10.	Қарама-қарши турган холда панжалар елкада қўлларни итариш	$\frac{3/10 \times 4}{5}$	$\frac{3/10 \times 5}{6}$	$\frac{3/10 \times 6}{7}$	1800 марта
11.	Қўллар шерик елкасида ўннга чапга эгилиш	$\frac{3/12 \times 4}{5}$	$\frac{3/12 \times 5}{6}$	$\frac{3/12 \times 6}{7}$	2160 марта
12.	Шерикка орқа билан туриб қўллар занжир холда шерикни кўтариб белини чўзиш	$\frac{3/8 \times 4}{4}$	$\frac{3/8 \times 5}{5}$	$\frac{3/8 \times 6}{6}$	1404 марта
13.	Қўллар юқорида олдинга ташланиш	$\frac{3/8 \times 4}{3}$	$\frac{3/8 \times 5}{4}$	$\frac{3/8 \times 6}{5}$	1404 марта
14.	Қўллар елкада олдинга эгилиш	$\frac{3/8 \times 4}{3}$	$\frac{3/8 \times 5}{4}$	$\frac{3/8 \times 6}{4}$	1404 сония
15.	Орқага эгилиш	$\frac{3/10 \times 4}{4}$	$\frac{3/10 \times 5}{5}$	$\frac{3/10 \times 6}{5}$	1800 марта
16.	Ўтирган холда саккизлик харакати	$\frac{3/10 \times 4}{4}$	$\frac{3/10 \times 5}{5}$	$\frac{3/10 \times 6}{5}$	1800 марта

Изоҳ: суратда бир ойда машқлар ҳафтада неча марта бажариши ва такрорлашлар сони, маҳражда кўрсатилган рақам машқлар орасидаги дам олиш интервали.

Қўллар олдинда юқорида ётиш, оёқ ва қўлларни баравар кўтариш машқи, ҳар ойда 12 кун 8 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1404 марта қўл ва оёқларни кўтариб тушириш амалга оширилди.

Гимнастик кўприк ҳолатда максимал даражада чўзилиш машқи, ҳар ойда 12 кун 14 сониядан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 42 дақиқа амалга оширилди.

Тиззаларда тик туриб, орқага керилиш машқи, ҳар ойда 12 кун 6 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1080 марта амалга оширилди.

Тиззада ўтириб, бошни чап томонга қўлларни ўнг томонга буриш машқи, ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1800 марта бурилишлар амалга оширилди.

Тиззаларда ўтириб, қўллар бош орқасида занжир ҳолатда чап, ўнг томонга бурилиш машқи, ҳар ойда 12 кун 8 марта 4, 5, 6 такрорлашлар билан

бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1404 марта амалга оширилди.

Ўтирган ҳолда чап оёқ ёнда ўнг оёқ букилган, ўнг қўлни чап оёққа теккизиб, навбат билан қўл оёқлар ҳаракатини алмаштириб бажариш машқи, ҳар ойда 12 кун 6 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1080 марта амалга оширилди.

Чап қўл тирсакдан букилган юқоридан орқада ўнг қўл тирсакдан букилган қўлларни орқада бирлаштириб, навбат билан қўлларни алмаштириб бажариш машқи, ҳар ойда 12 кун 6 мартадан 2, 3, 4 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 648 марта амалга оширилди.

Қўллар юқорида, жуфт ҳолатда чап ва ўнг томонга эгилиш машқи, ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1800 марта амалга оширилди.

Юзма-юз туриш, қўллар шерик елкасида оёқ учида кўтарилиб тушиш машқи, ҳар ойда 12 кун 12 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 2160 марта амалга оширилди.

Қарама-қарши турган ҳолда чап қўлни чўзиб ўнг қўлни букиш навбат билан қўллар ҳаракатини алмаштириб бажариш машқи, ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1800 марта амалга оширилди.

Қўллар шерик елкасида ўнгга чапга эгилиш машқи, ҳар ойда 12 кун 12 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 2160 марта амалга оширилди.

Шерикка орқа билан туриб қўллар занжир ҳолда шерикни кўтариш навбат билан алмашиб бажариш машқи ҳар ойда 12 кун 8 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1404 марта амалга оширилди.

Шерикка орқа билан туриб қўллар юқорида жуфтлашган, ўнг оёққа ташланиб навбат билан оёқлар ҳаракатини ўзгартириш машқини ҳар ойда 12 кун 8 мартадан 4,5,6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1404 марта амалга оширилди.

Қўллар шерик елкаларида олдинга эгилиш машқини ҳар ойда 12 кун 8 сониядан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 3-4 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 23 дақиқа ва 4 сония амалга оширилди.

Юзма-юз туриш қўллар жуфтлашган орқага эгилиш машқи ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1800 марта амалга оширилди.

Ўтирган ҳолда оёқлар кенг керилиб шерик оёқларига теккизилган чап томонга эгилиб ўнг қўлни чап оёқга текизиш, навбат билан ҳаракатларни алмаштириб бажариш ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4, 5, 6 такрорлашлар билан бажарилди. Такрорлашлар оралиғида 4-5 сония дам олинди. Умумий 3 ойлик машғулотлар жараёнида 1800 марта амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Бошланғич синф ўқувчиларида умуртқа поғонаси қийшайишини олдини олишда қўлланиладиган махсус машқлар мажмуа самарадорлигини тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи бобида амалга оширилган педагогик тажриба натижаларининг қиёсий тахлили тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган. Тажриба давомида қўлланилган барча махсус ишлаб чиқилган машқларнинг бажарилиши ўрта темпда бўлиши керак. Махсус машқларни ҳар бир дарсга киритиш зарур. Машқлар мажмуасида қўл, елка камари, оёқ, тана ва бўйин айниқса умуртқа поғонаси учун машқлар киритилди (3-жадвалга қаранг).

Жадвалга асосан тадқиқот давомида назорат гуруҳидаги 7-10 ёшдаги ўқувчилар организмидаги гавда тузилиши асорат ҳолатининг ўзгаришлари. 7-10 ёшдаги ўқувчилар 54 нафарни ташкил қилади. Фронтал текисликдаги I-даражали бузилиши бор ўқувчилар сони тадқиқот бошида 20 нафар 36,88% ни, тадқиқот охирида 19 нафар 43,75% ни ташкил этди. II-даражали бузилиши бор ўқувчилар сони тадқиқот бошида 10 нафар 18,35% ни, тадқиқот охирида эса 17 нафар 16,40% ни ташкил этди. Сагиттал текисликдаги I-даражали бузилиши бор ўқувчилар сони тадқиқот бошида 14 нафар 26,03% ни, тадқиқот охирида 13 нафар, 27,28%ни ташкил этди. 2-даражали бузилиши бор ўқувчилар сони тадқиқот бошида 10 нафар 18,35% ни ташкил этди. Тадқиқот охирида 6 нафар 16,75% ни ташкил этди. Тадқиқот бошида жами 54 нафар бўлган бўлса, тадқиқот охирида 45 нафарни ташкил этди. Тадқиқот давомида тажриба гуруҳидаги 7-10 ёшдаги ўқувчилар организмидаги гавда тузилиши асорат ҳолатининг ўзгаришлари. 7-10 ёшдаги ўқувчилар 54 нафарни ташкил қилади. Фронтал текисликдаги I-даражали бузилиши бор ўқувчилар сони тадқиқот бошида 20 нафар 36,88% ни, тадқиқот охирида 12 нафар 39,53%ни ташкил этди. II-даражали бузилиши бор ўқувчилар сони тадқиқот бошида 10 нафар 18,35%ни, тадқиқот охирида эса 5 нафар 16,42%ни ташкил этди.

